

МАСЪУЛИЯТЛИ
МАВСУМ



3

ҒАРБОНА ҒАРИБ
ТУШУНЧАЛАР



5



ТАХТ ЭМАС,
БАХТ КЕРАК

6

КОСИБ АЁЛГА
АТАЛГАН ГҮЛ



8



ЎзА сурат-лавҳаси

Она чиройли барқ урган зиё,
Фарзанд яноғида бўлади пайдо.

Сени, болалигим, мен кўрдим боя,
Баҳор дийдориди равшан — хувайдо.

МИРТЕМИР

Саодат АБДУНАЗАРОВА,
олий тоифали шифокор:

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ!

Аслида болаларнинг ўзи бир дунё. Тани соғ, руҳи тетик бўлса, улар бир дақиқа тек ўтирмайдилар. “Шунча ғайрат, шунча кучни қаердан олади-я”, деб ҳайратланамиз. Агар ана шу мунчоқ кўзли ўғил-қизларимиз бетобланиб, мунгайса борми, дунё кўзимизга қоронғи кўринади. Қачонки, шифокорлар уларнинг дардига шифо топсаларгина, яна хонадонларимиз аввалгидек қувноқ кулгу ва шодликка тўлади. Ў.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор Саодат Абдуназарова ҳам ана шундай мунгли нигоҳларни бахтиёр кўриш учун ўз умрини болалар тиббиётига бағишлаган инсонлардан биридир.

Давоми. 4-бетда

ҲИКМАТ
Инсон исми
билан эмас,
илми билан
инсондир.

Халқ нақли

Юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш истиқлол имкониятлари мақсадида амалга оширилаётган ишлар қонуни ҳужжатлари билан ҳимоялангани, бу борада халқаро ташкилотлар билан алоқалар кенг йўлга қўйилаётганлиги ҳамюртларимизга қисқа муддат ичида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имконини бермоқда. Европа Инттифоки томонидан молиялаштирилаётган "Эҳтиёжманд oilаларга даромад манбааларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" лойиҳаси доирасида Милан шаҳрининг Савдо-саноат, ҳунармандчилик ва қишлоқ ҳўжаслиги палатаси қoшидаги "Формапeр" агентлиги (Италия), Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ижтимоий инновациялар жамғармаси (Литва), "Аёллар мулоқот ва таълим учун" ассоциацияси (Испания) ҳамкорлигида бир қатор хайрли ишлар қилинмоқда.

ҚўЛИ ГУЛ ТАДБИРКОРЛАР

томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳаётга татбиқ этилаётган ибратли лойиҳанинг аҳамияти каттадир

"Эҳтиёжманд oilаларга даромад манбааларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" лойиҳаси доирасида аҳолига тадбиркорлик йўналиши бўйича ахборот, таълим ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи "Ахборот ойна"лари ташкил этилиши, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқитилиши, бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиш, кам фоизли микрокредитлар олиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда уларга амалий ёрдам кўрсатилиши белгиланган эди.

Ушбу лойиҳани юртимизда амалга ошириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Микрокредитбанк" ОАТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартнома имзоланди. 2014 йилнинг февраль — май ойларида лойиҳа доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглр ташкил этилди ва хотин-қизларни тадбиркорликка тайёрлаб, йўналиш берадиган "Ахборот ойна"лари фаолиятини мувофиқлаштирувчи мутахассислар тайёрланди. Ўтган йилнинг июль ойида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Кўкча-Оқтепа", Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Зебунисо", Чирчик шаҳридаги "Гулзор" ва Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги Фуқрат ҳамда Истиқбол маҳаллаларида "Ахборот ойна"лари очилган эди. Хорижий ҳамкор ташкилотлар ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари юқорида қайд этилган маҳаллаларда бўлиб, бир йилга яқин муддат ичида хизмат кўрсатган "Ахборот ойна"лари фаолиятини ўрганишди. Муаммо ва ютуқлар атрофида таҳлил этилди.

Қибрай туманидаги Зебунисо маҳалласида жойлашган "Ахборот ойнаси"га ушбу лойиҳа доирасида 264 нафар хотин-қиз мурожаат қилиб, улар орасидан 117 нафари 5 кунлик ўқув машгулотларда иштирок этди. 28 хотин-қиз бизнес режалари тузиб, ҳужжатлар тайёрлашган ва улардан 17 нафари ҳозирда ўз тадбиркорлик фаолиятини олиб боришмоқда. Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган қисқа савол-жавоб жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож oilа вакиллари, ёлғиз аёлларнинг лойиҳа сабаб ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани, хонадонига фаровонлик киратгани, моддий турмуши яхшиланаётганлиги маълум бўлди.

Модалар уйи очган бекалар, келини билан турли маҳсулотлар тикиб сотаётган қайнона, моддий ва маънавий қийинчилик кўрган ёлғиз аёлнинг бизнес билан шуғулланиб, ўзига ишончи мустаҳкамланганлиги амалга оширилаётган хайрли ишларнинг аҳамиятини кўрсатади. Кредит олган аёллар тадбиркорлик билан уйғунликда фарзандлар тарбияси учун ҳам даромад топишга имкон туғилганини эътироф этдилар.

Банқдан олинган 3 миллиондан 5 миллион сўмгача кредитларга керакли жиҳоз ва хомашёлар харид қилган аёллар, асосан, тикувчилик билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, сартарошлик, қандолатчилик, ҳунармандчилик, компьютер хизматлари ҳам йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлаётган аёллар учун нафақа дафтарчаси очилди ва уларга нафақа билан таъминланиш имконияти яратилади.

Ольга НОГАЕВА,
"Формапeр" агентлигининг
халқаро лойиҳалари менеждери
(Италия):

— Ушбу лойиҳа бу ерда жиддий иштиёқ билан амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг бу борадаги ташаббускорлиги қувонарлидир. Кредит олган аёлларнинг ўз иш фаолиятини бошлагани, оддий уй бекасининг жамиятда ўз ўрнига эга бўлаётганлиги, ўзига нисбатан ишончи ортганлиги ибратли натижа.

Людмила МЕЦАЕВА,
Ижтимоий инновациялар
жамғармаси директори (Литва):

— Ўзбекистонлик хотин-қизлардаги шижоат, ўзига бўлган ишонч бизни гоят қувонтирди. Айниқса, ушбу лойиҳада ташкилотларнинг ҳам иштирок этиши, янги ва бўлажак тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратилганлиги қувончли натижалар беришини исботлади. Масалан, Қибрай туманида тадбиркор аёлларга гаров сифатида икки кишининг қадил бўлаётганлигини эшитиб, аввалгига ажабланим, кейин эса хурсанд бўлдим. Чунки Европа давлатларида бир фуқаронинг бошқа бир фуқарога кафолат бериши мушкулда. Халқингизнинг бир-бирига ишончи, қўллаб-қувватлаши таҳсинга лойиқдир. Аминманки, насиб этса, яна беш йилдан кейин Ўзбекистонга келганимда ана шундай ишбилармон аёллар ташкил этган митти корхоналар катта корхоналарга айланади.

Азалдан ҳунарли қизлар маҳаллада, эл-юрт орасида алоҳида қадрланган. Уларга қўли гул деган таърифни беришади. Дунё микёсида намойиш этилаётган, халқаро майдонларда эътирофга сабаб бўлаётган ҳунармандчилик маҳсулотларимизни ана шу нозик қўллар яратади. Биз бугун тилга олган лойиҳа ҳам аёлларимизни ўз устида ишлашга, янги ва ёш тадбиркорларни шакллантиришга, уларнинг маҳсулотлари ички бозорларимизни тўлдириши, келажакда дунё бозорига чиқишига имконият яратиши шубҳасиз.

Гулжамол АСКАРОВА,
Камола АДАШБОЕВА,
"Oilа ва жамият" мухбирлари.

2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили

НУРОНИЙ УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ



Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши "Касаба уюшмалари фаришлари" аънавий акциясини ўтказмоқда. Яқинда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгийўл туман кенгаши ана шундай хайрли тадбирлардан бирини ўтказди. Ушбу тизимда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда қариллик гаштини сураётган 50 нафар нуруний устозлар бир дастурхон атрофида жамулжам бўлишиб, ўтган йилларни ёдга олишиб, ҳозирги кунда юртимиздаги тинчлик, қўлга кири-

тилаётган улкан ютуқ ва имкониятлар, обод турмушимиз ҳақида бир пиёла чой устида гурунлашишди.

Шунингдек, нурунийлар Зангиота зиёратгоҳида ҳам бўлишиб, бу муборак манзилда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Отахону онахонларни ҳомий ташкилотлар эсдалик совгалари билан сийлашди.

Шаҳзод АСАТУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат
консерваторияси талабаси.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, келажакка ишонч туйғуси мустаҳкамлигининг асосий омили — тинчликдандир. Оқойишталikka, дорилламон кунларга шукрона айтишимиз лозим. Zero, тинчлик — тараққиёт негизи.

ТИНЧЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ!

Яқинда БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида тадқиқот ўтказилди: Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаган.

Бу эътирофда нафақат аҳолининг фаровонлиги, балки турмуши, ободлиги, эртанги кунга ишончи, шунинг баробарида, киришчилик, тинчлик мужасам. Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолининг тинч-осойишта яшashi, ҳаловатда умр кечириши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги "Қўриқлаш" бирлашмасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ички ишлар идораларини ислоҳ қилиш, замонавий техника ва технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилаёттир. Бу қўриқлаш хизмати фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 16-сонли қароридан кейин қўриқлаш хизмати зиммасига юклатилган вазифалар доираси янада кенгайди.

Кейинги йилларда қўриқлаш хизматини янада такомиллаштириш мақсадида замонавий техника билан таъминлашга алоҳида

эътибор қаратилапти. Бу эса ўз навбатида, ягона тизим орқали қўриқлаш — ёнғин, видео, киришчиқини назорат қилиш, ҳаракатдаги автотранспорт мониторинги, радиотўлқин ва объектларни қўриқлаш имконини беради.

Қўриқлаш хизматида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши қуйидаги қўшимча хизматларни кўрсатиш имкониятини берди: кўп қаватли биноларнинг умумий

кириш эшикларини интeграллаштирилган қўриқлаш-ёнғин сигналлаш ва соғлиги ҳавфсизлигини таъминлаш; кабелли коллекторлар ва магистраллар қурилмаларини қўриқлаш; банкоматларни қўриқлаш; магистраль нефть ва газ қувурларини қўриқлаш; транспорт воситаларини қўриқлаш; террористик ҳаракатларга қарши самарали курашиш учун узок масофалардан турли сигналларни аниқлайдиган қурилмалар ёрдамида объектларни қўриқлаш; телефон алоқаси мавжуд бўлмаган жойларда GSM уяли алоқа каналлари орқали қўриқлашни амалга ошириш.

Миқозга хонадонини қўриқлашга топшириш истаги, уйда телефон алоқаси бўлиш ва хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб туришдан ўзга ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Қўриқлаш тартиби оддий — хонадон сигналлаш орқали ТҚПга янади.

Ойбек ЖАҲОНГИРОВ,
катта лейтенант,
Қўриқлаш бирлашмаси
алоҳида милиция батальони
отряд командири.

Ватан маҳалладан бошланади

Чиноз туманидаги "Олмазор" шаҳарчаси фуқаролар йиғинида "Халқаро оила куни"га бағишлаб, намунали хонадонлар вакиллари ўртасида "Бахтли оила сирлари" ҳамда "Энг ибратли қайнона, энг ибратли келин" кўрик-танловлари ўтказилди.



ҚАЙНОНА-КЕЛИНЛАР ИБРАТИ

— "Олмазор" шаҳарча фуқаролар йиғинида Нафис, Расулбод, Ҳамза, Мевазор, Бобгон маҳаллалари мавжуд, — дейди **Нафис маҳалласининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўлмасой ИСМОИЛОВА.** — Маҳалларимизнинг гуллаб-яшнашида ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳилликнинг ўрни катта. Шаҳарчамизда салкам тўққиз минг киши 1189 та хонадонда истиқомат қилмоқда. Биргина Нафис маҳалласидаги 586 та хонадонда 2683 нафар ёшу қари ўзаро тотувликда ҳаёт кечирмоқда. Катталар ёшларга ўрнак. Яна бир эътиборли жиҳати, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжмандлар сони анча қисқарди. Бунда албатта, маҳалла фаоллари, кайвонилар, отинойи ва имом хатибнинг ҳамкорлиги, ба-маслаҳат олиб бораётган ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Маҳалламиздаги ибратли

қайнона Хайрихон ая Нурматова ҳамда сариштали келин Дилдорaxon Ускенбоевани кўпчиликлари намуна қилиб кўрсатишади. Бугунги тадбиримиз ҳам ана шундай аҳил-иноқ хонадонларнинг турмуш тарзи ва ҳамжиҳатлигини, қайнона-келин муносабатларидаги чиройли тутумларни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

— Барчамиз ҳам ёш бўлганмиз, — дейди **Расулбод маҳалласида истиқомат қилувчи 70 ёшли Ҳабиба ая Усмонова.** — Қайнона-қайнотамизнинг хизматларида бўлиб, катталарнинг ҳурматини, кичикларнинг иззатини жойига қўйганмиз. Тўғри, баъзан ёшлиқда камчилик ва ҳаттолар бўлиб туради. Ёшингиз улгайгач, тажрибангиз ортиб, маслаҳатгўйга айланиб бораркансиз. 28 йил аввал оила аъзоларимиз билан бирга лимонарий ташкил этгандик. Қарангки, шунча йилдан буён

фарзандларим ва келинларим иш билан банд. Эндиликда набираларим ҳам уларнинг ортидан эргашмоқда. Ҳаракати бор оилада меҳнатга муносабат ҳам ўзгача бўлади.

— "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигида олиб бораётган ишларимиз ҳам яхши самара бермоқда, — дейди **Мери Хилметова.** — Худудимиздаги 20-мактабгача таълим муассасаси, 5-, 46-умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва ўқитувчиларининг фаоллиги маънавий-маърифий ишларимизда кўл келаётир. "Ораста кизлар" клуби аъзоларининг "Тенгдош-тенгдошга" тамойили асосида олиб бораётган ишлари ҳам қувонарли натижаларни бермоқда.

Тадбирда қайнона-келин муносабатлари, оила сирлари ҳақидаги ҳаётий мисоллар асосида қайноналар томонидан тайёрланган ўғитлар, келинларнинг ибод, ҳаё бобидаги чиқишлари, пазандаликдаги моҳирлиги йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Тадбир баҳонасида худуддаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишиб, олмазорликларга ҳавасимиз ортди. Нафис маҳалласида қурилган "Яшил майдонча"да болалар бўш вақтларини унумли ўтказишмоқда. Устоз-шогирди аъёнаси асосида чевархоналар фаолияти йўлга қўйилган. Барча шарт-шароитлари мавжуд янги тўйхона ишга тушиш арафасида экан. Олмазорликлар томорқадан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Хандалак, булғор қалампир, помидору бодринг, қўқатнинг турли-тумани эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Шаҳарча аҳлининг меҳнаткашлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлиги хонадонлар фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият"
мухбири.
Тошкент вилояти.

Фаолият

ФУҚАРОЛАР КЎМАКЧИСИ

Мамлакатимизда нотариал фаолият *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик, Оила Кодекси, "Нотариат тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Нотариал ҳаракатлар ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш йўналишида жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда нотариат фаолияти билан боғлиқ фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳужжатлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришмоқда.*

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони бу соҳадаги ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди. Ушбу Фармонга асосан, 2010 йилнинг 15 майдан эътиборан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти тугатилди. Бу эса, нотариал идораларининг самарали тармоғини тузиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга хизмат қилди.

Таъкидлаш керакки, хусусий нотариуслар фаолияти тугатилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан нотариал округлардаги эҳтиёж инобатга олиниб, қўшимча 220 та давлат нотариал идораси ташкил этилиб, республика бўйича давлат нотариал идоралари сони 540 та,

нотариуслар сони эса 738 нафар этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги қарори билан стажёрлар сони ҳар бир лавозим бўйича республикадаги нотариуслар умумий сонининг 25 фоизини ташкил этиши белгиланди.

Барча давлат нотариал идораларининг моддий-техник базаси қайта кўриб чиқилди, фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун зарур қулайликлар яратилди, нотариал таъминлаш мақсадида алоҳида хоналар ажратилди. Буларнинг барчаси нотариуслар томонидан фуқароларга ҳамда юридик шахсларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашни таъминлашга, нотариат институтининг нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Моҳира СОДИҚОВА,
Мирзо Улугбек
туманидаги 8-сонли
ДНИ нотариуси.

— Жорий йилда 6310 қути ипак курти 4120 та пиллачилик звеноларига тарқатилди, — дейди **Кашқадарё вилоят "Пилла" худудий бирлашмасига қарашли "Китоб ипак" масъулияти чекланган жамият раиси, вилоят кенгаши депутати Насиба Нурова.** — 705 та фермер хўжаликлари 385 тонна пилла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузишган. Айни пайтда туманимизда "қумуш тола" етиштириш ва топшириш ишлари жадал олиб борилаёпти.

Очиғи, бу йилги ҳамал пиллачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси ҳисобланган тут барглариининг эрта етилишида қулай бўлди. Барг инфо-гарчилигининг олдини олиш бўйича жойлардаги пиллачилик агрономлари билан бирга ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари, бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раислари астойдил иш олиб бордилар. Хусусан, пилла ҳосили етилиши билан уни кечиктирмасдан саранжомлаб олишда маҳалла маслаҳатчилари бош-қош бўлаётганликлари қувонарли.

"Қайнарбулоқ" ҳамда "Йўлдош" шаҳарча фуқаролар йиғини маслаҳатчилари Ҳафиза Мардонова, Махфират Халимовани Рус қишлоғида

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ



яшовчи Латиф Бахромовни учратдик. Бу худудда ҳосилни йиғиштириб олишда бутун маҳалла аҳли уюшган. "Қайнарбулоқ" ҚФЙдаги 9700 нафар аҳолининг 4600 дан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Қишлоқ бўйича 335 қути ипак курти 178 пиллачилик звеносига тақсимланган. Худуд бўйича 20,1 тонна пилла ҳосили етиштириш режалашти-

рилган. Хонадон бекаси Тўлкиной Жононова бу йил 2,5 қути ипак курти парваришлабди.

Худуддаги Назира Ҳамроева, Шарофат Пармонова, Мейлихол Қодирова сингари пиллачилик звенолари ҳам ипак курти уруғининг ҳар бир қутисидан 150-160 килограммдан ошириб ҳосил олдилар.

"Богбон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Айрончи қишлоғида яшайдиган Комила Тиловова бошлиқ пиллачилик звеносига ҳосил етиштиришда Гулҳаё Раҳмонова, Юсуф Бозоров сингари оила аъзолари яқиндан кўмаклашмоқда.

— Йигирма йилдан буён ипак курти парваришлайман, — дейди Рус қишлоғида истиқомат қилувчи Махфуза Арзикулова. — Бу йил ҳам 2 қути ипак курти уруғи парваришлаб, 140 ўрнига 150 килограмм пилла етиштирдим. "Китоб ипак" МЧЖ раҳбарияти олдиндан бўнак маблағларини бердилар. Оилавий бўлиб ишга киришганимиз учун кўзлаган мақсадга эришдик.

Пилла топширишда "Китоб ипак" МЧЖ томон ҳосил ортган транспортлар оқимининг кети узилмайди. "Кашқадарё соҳили чорва", "Элбоев Жума



Бердиевич" сингари фермер хўжалиги пиллакорлари биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар. Бир сўз билан айтганда, кимки ҳалол меҳнат қилса, оиласи ва дастурхонидан баррака бўлади. Китоблик пиллакорлар бу ақлдага амал қилиб, қисқа, айни пайтда масъулиятли давр ҳисобланган пилла ҳосилини саранжомлаб олишда пешқадамлик қилишаётир.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Кашқадарё вилояти.

Реклама ўрнида

— Асли Самарқанд вилоятида туғилиб ўсганман. Болаликдан оқ тиббиёт соҳасига қизиқардим, — дея сўз бошлайди Саодат опа Абдуназарова. — Беш ёшимда мактабга борганман. Отам: “Насиб этса, ҳали сен зўр шифокор бўласан”, деб мени рағбатлантирди. Бир куни қаттиқ тобим қочди, шифокор келиб укол қилди. Ушанда унинг хатти-ҳаракатларини қизиқиб кузатарканман, қалбимда улғайсам, албатта, шифокор бўламан, деган орзу пайдо бўлган. Ниятим амалга ошиб, мактабдан кейин

— Тиббиётда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, дейилади. Бугун ушбу ақидага қай тарзда амал қилинмоқда? Бу борада шифохонага келаётган беморларда қандай муаммолар бор?

— Шифохонамизга республикамининг турли ҳудудларидан беморлар келади. Уларнинг аҳволи турлича. Биз боланинг руҳий-асаб тизимини даволашимиз учун у соғлом бўлиши, унда шамоллаш, кучли иситмалаш, йўтал ва бошқа касаллик асорати бўлмаслиги керак. Акс ҳолда муолажа-

Уларнинг ўқиши, дунёқарашининг шаклланиши жуда муҳим. Ақлий жиҳатдан нуқсон бўлса-да, ўзини англай оладиган болалар мактабга боришлари ва ўқитувчиларига улар учун энгилроқ вазифалар беришларини тайинлаш керак. Шу билан бирга ўқитувчилар билан келишиб уларни уйда ўқитишни ташкил этиш лозим.

— Ўз касбингизга меҳрингиз баландлиги туйфайли, ҳамиша ёрдамингизга муҳтож кишиларга қўмаклашишга интилар экансиз. Аммо, аёлниг зиммасида касбий фаолияти би-

Саодат АБДУНАЗАРОВА,
олий тоифали шифокор:

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ!



тиббиёт техникумида ва ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) да таҳсил олдим. У вақтларда талабаларни вилоятларга йўлланма билан ишлашга юборишарди. Шу сабаб 1971 йилдан бошлаб уч йил давомида Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ишладим. Неврология бўйича 6 ой таҳсил олиб, малакамни оширишимдан сўнг ҳозирги вақтгача Республика болалар асаб-руҳий шифохонасида фаолият юритяпман.

— Болаларнинг асаб тизими билан боғлиқ касалликлари бир мунча мураккаб ҳисобланади. 40 йилдан ошқ вақт мобайнида бу соҳада ишлаган шифокор сифатида айтинг-чи, бу хасталиқлар қандай омиллар туйфайли келиб чиқади?

— Энг аввало, фарзанд саломатлигига ҳали эмбрионлиги, яъни ҳомила пайтида эътибор бериш керак. Бу хасталик, асосан, ҳомиладорликдаёқ болада пайдо бўлади. Онанинг кучли шамоллаши, грипп ва бошқа ўткир касалликлар билан оғриши унга ноҳўя таъсир кўрсатиши мумкин. Асабийлашиш, генлар орқали отадан ёки онадан ўтувчи наслик касалликлардан, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан турли касалликлар юзга келади. Ота-оналар ногирон туғилган болаларини олиб келишганида, уни даволагач, онаси билан суҳбатлашаман. Кейинги фарзандга ҳомиладор бўлишидан аввал эркак ҳам, аёл ҳам тўлиқ шифокор текширувидан ўтиши, яқинларнинг ҳомиладорга яхши муносабатда бўлишини баъзилар тушунтирмаган.

Баъзан ҳомиладор келинлар ҳам олдимга қайнонаси ва бошқа қариндошларнинг қаттиққўллигидан нолиб келади. Бу даврда келинларга ва айниқса, биринчи туғруқдаги аёлга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш, иложи борича унинг хотиржамлигини таъминлаш лозим. Чунки онанинг асаб тизими орқали ҳомилага кучли ва хавфли таъсирлар ўтиши мумкин.

ларимизни бошлай олмаймиз. Аммо аксар ота-оналар фарзанди турли хасталиқлар билан оғриётганда олиб келишади. Бу эса даволаш мuddатининг чўзилишига сабаб бўлади. Болаларни тезроқ даволашимиз учун уни касалхонага олиб келишларидан олдин педиатр ва психиатр кўригидан албатта, ўтказиш керак.

— Бугунги техника тараққиёти тиббиётда ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Болаларни даволаш борасида ҳам замонавий текшириш, ташхис қўйиш анжомларидан фойдаланилмоқда. Бу борада сизнинг бўлимингизда қандай янгиликлар бор?

— Мия бутун танани бошқаради. Шу сабаб биз болалар билан шуғулланаётганимизда кўпроқ уларнинг асаб тизимини яхшилашга ҳаракат қиламиз. Айнан шунга хизмат қилувчи янги сенсорли хона мавжуд. Унда боланинг руҳиятини тинчлантирувчи манзаралар, ранг-баранг чироклар ёғдуси ва мусиқа тингланади. У ерда қўл билан бошқарилувчи ўйинлар боланинг бир вақтда ҳам ақлий, ҳам жисмоний фаолият олиб боришига сабаб бўлади. Замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган тренажёр заллари, чўмилиш ҳовузи, автодром, ўйин майдонлари, массаж, физиотерапия ва логопед хоналарида болалар мунтазам даволанишади. Руҳий-асаб тизими даволанаётганда бола алоҳида параваришга муҳтож бўлади. Шу сабаб ҳамширалар уларни доимий назорат қилиб туришади. Бундай болаларга уй шароитида ҳам ота-оналар эътиборли бўлиши керак.

лан бирга, оиласи, фарзандлари тарбияси ва бекалик масъулияти ҳам бор.

— Жамиятда аёл фаолми, демак унга ҳар доим яқинлари ёрдам беради. Оиланинг устуни — ота-она. Ана шу икки инсон бир-бирига суяниб, турмуш қийинчиликларини энгилб ўтади, фарзандларини камолга етказиши керак. Турмуш ўртоғим Абдуҳаким ака билан аҳил-иноқ яшаб келяпмиз. Икки фарзандимиз бор. Ўғлимиз Феруз — шифокор, кардиохирург, қизимиз Юлдуз — иқтисодчи. Улар билан ҳамиша фахрланаман. Оилада аҳиллик, тинчлик бўлса, бу фарзандлар маънавияти ва келажагига таъсир қилади. Чунки соғлом муҳитда вояга етган ўғил-қизларнинг кўнглида кемтиклик бўлмайди ва ақлан, жисмонан, маънан камолотга эриша олади. Болага: “Сен ким бўлардинг, ўқиб нима қиласан?” деб эмас, ишонч билдириб: “Сен камидо олим бўлишинг керак, ўз соҳангда етакчи бўл”, деб тарбия бериш керак. Агар ота-она фарзандини улуг орзулар сари йўлласа, кейинчалик унинг буюк келажагини ҳам кўра олади.

Доно халқимизда: “Боланинг беғонаси бўлмайди”, деган пурҳикмат гап бор. Минглаб етимларнинг бошини силаган ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши даврида бу оддий ҳақиқатни исботлаб берган эди. Ҳозир ҳам болаларга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ўзгармаган. Бугун қад ростлаётган бир-биридан кўркам иморатлар, равон йўллар ҳам аслида, ана шу кичкинтой ўғил-қизларимизнинг келажагини ўйлаб бунёд этилмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар саломатлиги, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда Саодат опа каби шифокорларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Уларнинг меҳнати, изланишлари болаларнинг дардини ариштишга, кувноқ кулгуларини қайтаришга қаратилган.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Камола РАҲИМХЎҲАЕВА
суҳбатлашди

Илҳом

УМР МАЗМУНИ

Умр ўтар экан, дарёдек,
селдек,
Инсон умри қолар инчиқка
қилдек.

Ҳаётин сарфлар пул,
бойлик учун
Унутар меҳрни нимага, нечун?

Бой бўлгани сари бойишни истар,
Нафси яна уни бойишига қистар.
Мол-дунёни дея виждонин сатар,
Йигитлик қурури ерларда ётар.

Умри охирлагач, етганда вақти,
Туғаб битганида шижоат-шахти.
Кейин ўйлар экан охиратини,
Ўткинчи дунёнинг моҳиятини.

Бу дунёдан кетаётган чоғ,
Ҳаёлидан ўтар жаннатий бир боғ.
Ўйлайди, эрталоқ қилмабди савоб,
Энди ҳар ишига беради жавоб.

Балки кул бўлади фоний дунёда,
Балки ёнар чўғда юрар пидёда.
Балки чаён захри азоблар уни
Афсус, ўйламаган, эрталоқ шуни.

Гуноҳин юволмас нопок пулларга,
Қириб юрган экан қинғир йўлларга.
Ёрдам бермас сира тўланган бойлик,
Ҳалол меҳнат билан турмуш чиройли.

Шунинг-чун донолар дерлар: “Қил савоб,
Унутма ҳар ишга берилар жавоб”...

Бехрўзбек ТОЛИБЖОНОВ,
Қашқадарё вилояти
Китоб туманидаги
1-умумтаълим мактаби
ўқувчиси.

ЗАЙНАБ НИДОСИ

“Ўтган кунлар”ни ўқиб...

Юрагимни ўртаманг,
қўқсим илма-тешиқдир,
Мен кечганман ўзимдан,
қалбим бўм-бўш бешидир.

Бир умр бахтга зору, дили озор
Зайнабман,
Бек уйда хор бўлиб, ишқ ўтида қайнабман.

Марғилоннинг йўлига қўзим тушса дил йиғлар,
Бўш чимилдиқ тўрида ишққа ташна гул йиғлар.
Йиғламайман, йўқ энди, бу Тангрига
Манглайига битилган сендан ўза ёр экан.

Мен дардимни сўйласам, тошлар эриб кетгайдир,
Ёр йўлига кўз тикиб, ёшлар қуриб кетгайдир.
Йиғламайман, йўқ энди, бу Тангрига
Дардимга малҳам бўлар шу бечора болишдир.

Мен уйимга кетаман, Марғилонга қайтинг сиз,
Суйгану суймаганга мenden салом, айтинг сиз.
Зайнаб энди талба денг, ишқ кўйида девона,
Бахт кўрмаган кулбаси — юрак бағри вайрона!

Гулярино ТОШТЕМИРОВА,
Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги
242-умумтаълим
мактаби ўқувчиси.

ҚАЛДИРҒОЧИМ

Қалдирғочим, қанотингни оч,
Тилинг бийрон, бор дардингни соч.
Менинг жажжи сирдошим ўзинг,
Юлдузлардек нурийдир қўзинг.

Уй қурасан, бирам мустаҳкам,
Ургат “қасб”инг сирин менга ҳам.
Уч фаслик азиз меҳмоним,
Сизлар билан гўзал осмоним.

Қалдирғочим, жажжи сирдошим...

Шаҳзода ЖўРАҚУЛОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
190-умумтаълим мактаби ўқувчиси.



ҒАРБОНА ҒАРИБ ТУШУНЧАЛАР

андиша посангисидан баландми?

Алмоий-жалмоий қилиқларга лоқайдлик ҳам кишиларнинг савияси, дидини саълаштиради. Қачонлардир Европа халқларининг тутумига, урфига айланган ва XX асрнинг олтинчи йилларидан бошлаб "Оммавий маданият" (поп культура) дея жар солинаётган, аста-секинлик билан дунёнинг мана-ман деган қадриятлар бешиги — кўҳна анъаналарни, элларнинг асрлар ардоқлаган урфларини ютиб юбораётган бу ғайритабиий тушунча шу тобда ён-веримизда уриётгандек...

Хайриятки, бизда Президентимиз таъбири билан айтганда, "Юсак маънавият — энгилмас куч"га айланган. Ота-боболар, буви-момоларнинг ёш авлодга сингдираётган муқаддас тушунчалари — имон, ишонч, эътиқод, поклик, жасурлик, шижоат, ибодат, маъсулият ҳар бир кишининг томирида оқаётир. Аммо гуруч кўрмаксиз бўлмас, деганларидек орамизда ғарбона ҳаётга ўчлик авж олиб бораётганга ўхшайди. Бундан ёш авлодни асраш ва уларни миллий маънавиятимизнинг вориси этиб тарбиялаш энг муҳим омиллاردан биридир.

Пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳалла маслаҳатчилари, отиноийлар, шоу-бизнесчилар, Тошкент шаҳридаги тўйхона ва ресторани эгалари иштирок этган "Маънавиятимизни асраб қолайлик!" мавзусидаги тадбирда ғарб ахлоқи бўртиб бораётган 5 хилдаги ҳолатга алоҳида ургу берилди: Хонанда ва раққосларнинг кийиниш ва ўзини тутиш маданиятига боғлиқ иллатлар ҳамда клипларнинг ёшлар маънавиятига таъсири, шоу-бизнес вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ёритишдаги нуқсонлар; либослардаги тақдидлар ва тўй-маросимлардаги салбий одатлар; сериал ва кинофильмлардаги, шунингдек, кафе ва ресторанилар, меҳмонхоналарда кўйилаётган клипларга муносабат; кўшиқ жумлаларининг сазлиги, асардўзлик ҳолатлари; телебошловчиларнинг пардоз ва кийинишдаги камчиликлари.

Халқимиз — донишманд. Доимо андишани баланд тутган. Лекин бугун машурликка орзумандлик сабаб айрим хонандалар андишадан узоқлашиб бораётир. Клипларни кўриб, шубҳага борасиз: бу қиз ўзбек эмасми? Бу кўшиқ орқали нима демоқчи ёшларга? Саҳнага ярим-яланғоч чиқиб онгни заҳарламайдими?!

Бу саволларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан таълим муассасалари қошида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғрари фаоллари аниқ жавоб беришди:

"Биз ўзимизга маъқул ашула ва клипларни сараладик: афсуски, уларнинг салмоғи жуда кам. Лекин мана шундай кўшиқлар тенгқураимизга

нимадир бера олади. Уларнинг дидини ўстиради, маънавиятини бойитади. Ҳар хил қилиқлар, беъмаза, маъноси йўқ ашулалар эса бизга ҳеч нарса бермайди".

Шундан сўнг бачкана кўшиқлар меҳмонлар ва санъаткорлар томонидан тахририятга олиб келинган ёш қизнинг шеъри ҳозир бошқа бир муаллиф номидан машур кўшиққа айланди. Ҳар бир ижодкорда, аввало, виждон уйғок бўлиши зарур.

Маълумки, бир муаммо бевосита иккинчисининг туғилишига доялик қилади. Телеэкрандаги клипни баъзида ота-она билан фарзанд дастурхон атрофида ўтириб томоша қила олмайди. Бунинг сабаби халқ менталитетида. Мутахассислар бу масалага ҳам атрофлича ёндашиб, ашулада сифат ва савия, машурликдан кўра, тарбия масаласи энг долзарб экани ва шу жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлашди.

Шубҳасиз, тўй-маросимларда ҳар бир халқнинг тутуми буй кўрсатади. Бугун Тошкент шаҳрида 460 дан ортиқ маҳаллаларда 140 га яқин тўйхона ишлайтир. Ўтказилаётган никоҳ кечаларида эса дабдаба ва "сендан мен камми" қабилидаги ўзбек халқига ёт андишасизлик авж олаётир.

— Бувим раҳматли бир ноҳўя ишимизни эшитса: "Ундай қилма, агар шундай қилсанг, гўримда тик турман!" дерди, — фикрини билдирди олима, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаоли Мукаррама Муҳиддинова. — Бунинг сабабини билолмас эдим. Бу гап замирида ота-боболаримизнинг удуми, берган ўғитлари, насиҳатларига амал қилишимиз мужассам экан. Аждодларимиз



ортикча сарф-харажатни, андишасизликни, тўқликка шўхликни қоралаган. Яшайдан мақсад эзгу ном қолдириш экан, буни келажак олдидаги жавобгарлик деб билиш ҳам керак. Беш қўл баробар эмас, шунинг учун бошқаларнинг ҳам имкониятини ҳисобга олиб, иш кўриш лозим.

Дарҳақиқат, ортикча юк бел синдирар, деган гапда жон бор. Миллион-миллион сўмни ортикча дабдабаю, ўйин-қулгига, машиналар пойгасига сарфлаётган тўй эгалари ноҳотки камтарлигу андишадан йироқ бўлса?! Йўқ, менинча, ундай эмас...

...Яқин ўтган кунларда ҳам кўп кишилар тилидан тўйхаражатга деб, қўли бироз қалта рўзгорларга фалон сўм узатиб, "топганда берарсиз" деган инсофли, ёки қайсидир йўқсил кишиларнинг тўйида гуручининг пулини кўтарган мард одамлар ҳақида кўп эшитганман. Демак, халқимиз шундай андишали; ўнг қўли берганини, чап қўли сезмайди. Бу ҳам андишанинг белгиси эмасми?! Буни дунёнинг қаеридан учратгансиз? Албатта, фақат бизда.

"Ёшлар ижод саройи"даги тадбир мавзуси ва ундаги миллат тарбияси бир кунлик эмас, аср ошарлик. Нераки маънавият доим эътиборни талаб этади. Мафқуравий таътиқлар эса уни емиришга уринмасин, унга қарши иммунитет бўлса, бас, барча энгил-елпи, сохта тушанчалар таъсир қилолмайди.

Олимжон ЖУМАОБОВ



МАРҲАМАТ — биз "марҳамат" сўзини кўпроқ ҳурмат маъносида тушунамиз. Бировга хурмат кўрсатишни марҳамат кўрсатиш деб биламиз. Бироқ "марҳамат" сўзининг асл маъноси бугунгисидан анча фарқ қилади. Бу сўзнинг туб илдири "раҳм-шафқат", "раҳмдиллик", "ачиниш" маъноларини аниқлаётган бўлса, кейинроқ, илтифот мазмунини ифода қилади.

Хон ҳазратлари, фарзандимни, хонумонимни — ҳаммасини марҳаматингизга топширдим.

Пиримқул Қодиров

— Кирсам майлими?
— Марҳамат!

Газетадан

АДАШ — "адаш" сўзи айни даврда бир хил исмли кишиларга нисбатан "исмдош", "отдош" сўзлари ўрнида қўлланади. "Адаш" сўзи "отдош" сўзининг ўзгарган шакли ҳам бўлиши мумкин. Бу сўзнинг асл мазмуни қадимда "дўст", "ўртоқ" маъносини ифода қилади.

Санжар йўл бўйида адашини кўриб қолиб, уни уйига таклиф қилди.

Журналдан

ЛАҲЗА — "Ўзбек тилининг этимология лугати"да изоҳланишича, тилимизда кўз очиб юмгунча вақт, сония маъносини аниқлаётган "лаҳза" сўзи аслида "қаради" деган маънони билдирган.

Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Ғафур Фулом

САЙГИЛ — "сайгил" сўзи нарсаларнинг саралангани, энг яхшиси деган маънони аниқлаётди. Бу сўзнинг "сайгул" шакли ҳам бор. Унинг "сайгул" шакли сайлаб олинган гул маъносига яқин келади.

Бу одам сутнинг қаймоғини еб,
Кийимнинг сайгилини қияди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-ширни, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой.
Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

2013 йилда 1-гуруҳ ногирони Котлова Галина Николаевна номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилган йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'zР № 000278 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

2007 йилда ЎзДЖТУ томонидан Юсупова Наргиза Жумабоевнага берилган В №047966 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

1990 йилда Ф.Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) томонидан Исмаилова Роҳатой Кадировнага берилган ПВ №851600 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ТАХТ ЭМАС, БАХТ КЕРАК



...Орадан уч ой ўтди-ю, Олима опа келинини ёқтирмай қолди. Аввалига ўглининг номзод танлашда дид-фаросати кўнгилдагидек эканлигидан суюнди ҳам. Ўшанда қалбининг бир четидан илоҳим феъли ҳам ҳуснига мос бўлсин-да, деган ўй ўтганини эслади.

Хар доим ҳам чирой хулқа мутаносиб эмаслигини уч ой ўтиб тушуниб етди. Уйига икки марта бориб келишга улгурган келинига яхши ҳам гапирди, ёмон ҳам. Бошида бировнинг боласи деб аягани панд берди шекли, балки қаттиқроқ туриш керакмиди? Қайнонанинг нимадан норозилигини тўри тушунган куда бир зумда мунгайди-қолди.

Онаси эса бирровга келган қизини қайтариб, танбех беради, лекин Олима опа қудохоланинг ҳам барибир она эканлигини, баъзан ич-ичидан фарзанднинг тарафини олишини билади. Келининг тинмай уйдагиларига кўнгирик қилиши, бу ёқдаги гап-сўзларни у ёққа етказишдан норози. Ҳеч бир она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Ажрим эса энг сўнгги чора...

Хўш, бу муаммонинг илдизи қаерда? Нега кейинги пайтларда энг аввало, эр-хотин кейин эса куда-андалар ўртасидаги ана шундай арзимас "гап чиқди"лар алал-оқибат

жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда?

Мамлакат ая:

— Етти келиним бор. Уларнинг феъл-атвори етти хил. Кўнглини топишим, хар қандай муаммога ечим излашим учун, аввало, уларни тушунишим керак. Менимча, оналар ўғил тарбиясида адашмаслиги керак. Нега десангиз, аёлни йўлга солади-ган эркак. Мен ўғилларимга ишонаман, улар ўз аёлларига оиламиз ҳақида, қариндошларга муомала ҳақида йўл-йўриқ кўрсатишади. Гулдек фарзанднинг ортидан келган қизларга меҳр-мухаббат бериш хар бир қайнонанинг бурчидир.

Қутбинисо момо:

— Умид билан қиз ўстириб, вояга етказиб, кейин оқ йўл тилаб, бошқа бир хонадонга кузатиш қанчалар мураккаб эканлигини оналар билади. Тасаввур қилинг, жигарингизнинг бир бўлагини юволиб, бегона жойга юборяпсиз-у хавотирланмайсизми?! Айрим қайноналарнинг ўз келинларига бўлган муносабати салбийлиги, баъзан зугум ўтказибтганини рост. Бажарган ишидан нуқсон топиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига: "Аттанг, онанг сенга ўргатмаганми?" — деган таъ-

на-муломотларни кўп эшитганмиз. Агар она қизини олдиндан қайси хонадонга келин бўлишини билганда эди, болалигиданоқ унга ўша хонадон тутумларини ўргатарди-да!

Оқила, келин:

— Маҳалламизда опа деган каттаю-кичик, ҳамма ҳурмат қиладиган бир аёл бор. Лекин кутилмаганда келини у киши ҳақида хар хил гап-сўзлар тарқатди. Энг қизиғи, оқила қайнона босиқлик билан: "Қизим, сен хар кимнинг иғво-қутқусига учаверма, кун келиб пушаймон ейсан", — дегани кўп ўтмай ўз исботини топди. Охири, келин маҳаллада мулзам бўлиб қайнонадан йиғлаб кечирим сўради. Энди нима десам экан, ҳамма қайноналар ҳам опадек кенг қалбли, кечиримли эмас-да.

Бахтиёр ота:

— Бир воқеани айтиб берайин. Хайрли иш деб, икки таниш оилани боғлаш ниятида совчилик қилдим. Орадан бир йил ўтгач, қайнона-келин ўртасида гап чиқди. Энг қизиғи, икки тараф ҳам қариндошим, кимнинг ёнини олишни билмайман. Энг ёмони, кудага эрининг гапи ўтмайди. Нуқул сеники тўғри, деб ўтирган лапашанг эркакни кўриб, тўғриси, жаҳлим чиқди. Аслида айб икки томонда ҳам бор. Бироқ қайнота ҳам бу муаммога аралашини, аёли томонидан қилинаётган зугумлар учун уни тартибга қақриши керак-ку! Халиги киши бироқ томошабин. Ахийри, дастлаб қайнонани, кейин эса келинни қаттиқ койишга тўғри келди. Ҳаммаси жойига тушиб кетди. Ҳозир бахтли яшашаяпти.

Баъзан катталар ёшларни кўрганда гина қилишади: биз ундок эдик, биз бундок эдик дея. Ҳозиргиларнинг ҳаётга енгил қараётганлиги, турмуш қийинчиликларига дош беролмаётганлиги эса бор гап. Аслида, муаммони кузатибгина унга холис баҳо бериш мумкин. Аммо низо чиққан жойда айбни бир томонга ағдартиш инсофдан эмас. Чунки кимдир муро-са йўлини тутса, бошқа бири уни кечиради. "Оилада голиблик, устушлик учун эмас, балки бахтли яшаш учун курашиш керак", деганида 90 ёшли Роҳат ая нақадар ҳақ эди...

Қамола АБДУМАЛИК қизи,
"Оила ва жамият" муҳбири.

МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ ОИЛАДА

Хар бир хонадонда ота-она меҳнатининг самараси, меваси, улғаяди. Фарзандлар ота-она умрининг давоми бўлиб, улардан яхшилик ва эзгуликларни мерос қилиб олади, ўз навбатида, авлодларга етказишади. Шу боис ҳам бу оламда фарзанд тарбиясидан машаққатлироқ иш бўлмаса керак. Ўз оиласида бахтли бўлмаган инсон ҳеч қаерда бахтли бўла олмайди. Энг аввало, биз оилаларимиздаги маънавий тарбияга жуда катта эътибор қаратишимиз зарур. Шундагина оила мустаҳкам бўлади.

Оила кўрғонининг мустаҳкамлиги ана шу митти гўшадаги маънавий муҳитга, таълим-тарбияга боғлиқ. Агар хонадон улғуғлари энг яхши инсоний фазилатлари билан фарзандларга ўрнак бўлсалар, уларни ёшлигидан меҳнатга, илм-маърифатга меҳрли қилиб тарбияласалар, ўша ерда камол топган ўғил-қизлар жамиятнинг энг етуқ аъзолари бўлиб етишадилар. Айниқса, йигитларга хар қандай шароитда ҳам ўз оиласининг суянчи, ҳимоячиси эканини болалигиданоқ тушунириб, қалбига сингдириб бориш керак. Йигит ориятли, касб-хунарли ва иродали бўлса, оила қасрини мустаҳкам куради. Онаси, турмуш ўртоғи, онасингиллари ва қизларининг бағри бутун, кўнгли тўқ бўлади.

Бизда қадим-қадимдан оилага жамиятнинг асосий, муҳим бир бўғини сифатида қаралган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар энг аввало, оилада шаклланади. Ватан ва халқ қадрига дахлдор инсонлар ҳам хар томонлама мустаҳкам, фаровон, бекаму-кўст, соғлом хонадонда тарбия топиб улғаяди. Хар бир хонадонда вояга етаётган ўғил-қизларимиз халқимизнинг гўзал оилавий аънавалари ва қадриятларини улғуғлаш билан бирга ўз ворисларига ана шу бебаҳо бойликни қай даражада асраб-авайлаш сир-асрорини ҳам сингдиришади.

Ҳадича АСЛОҶОВА,
Ховос туман ФХДЭ бўлими
мудири.

Воҳид ота дарвозадан ичкарига кирганида синглиси билан аёли ҳовлида гурунглашиб турарди.

— Онаси, келин муборак бўлсин! — деди қўлидаги кийик рўмолга ўралган тугунни узатар экан.

— Қуллук бўлсин, отаси, қуллук, — жимгайди аёл.

— Ака, қудангиз муборак бўлсин, — дея елка олиб кўришди сингли.

— Қани ичкарига киришлар, отаси, уйга бошласангиз-чи, ҳовлида турмайлик, — чақонлик билан йўл бошлади аёли.

Ҳаммалари бирин-кетин ичкари уйга киришди. Икки ёшга бахт-саодат тилаб, дуо қилишгач, сингли шошаётганини айтиб: "Тўйда бемалол ўтирармиз", — дея ўрнидан кўзгалди.

— Онаси, ўғлингни қақир-чи, — деди Воҳид ота картошка-пиёз сақланадиган омборхона томонга юраркан.

— Нима қилаяпсиз, ада, буларни сотамизми? — омборхона бурчагига ажратиб қўйилган қопларга ишора қилди ўғил.

— Энди куёв бола, тўй қилиш учун пул зарур. Эрта бозор кунни пиёздан ҳам, картошқадан ҳам беш-ўн қоп сотиб, ойингни қўлига бермасак бўлмайди. Ҳали кам-кўст кўп.

— Хўп бўлади, — дея отасини гапига бош ириб қўйди Восит.

Ота-бола кечгача омборхона ичидан куймаланиб, сотиладиган картошка-пиёзларни ажратиб, дарвозахонага тахт қилиб қўйишди. Эрта тонгдан қоплардаги картошка-пиёзани машинага ортиб, ота-ўғил бозорга жўнашди.

ТАНИМАСНИ СИЙЛАМАС

— Ўғлим, пиёз қанчадан бўлди, — эндигина қопнинг оғзини очибтган Воситдан сўради бир жувон.

— Хола, сизга kilos беш юздан, олинг, пулингизга ачинмайсиз.

— Ўғлим, буни бозор дейишади, сени ҳам айтганимиз, мени ҳам уч юздан бер. Йўқ, дема болам, тўйга олаяпман, қизимни узатаётганим, тўрт сетка оламан, — савдолаша бошлади аёл.

— Э-э, хола жуда ҳам қитмир экансиз, одамни пастга уриб юбордингиз-ку. Қаранг, атрофдагиларнинг пиёзидан ўлса ўлиги ортиқ. Бунинг меҳна-

тини оғирлигини айтмайсизми, ўзи пиёз ўтоқ қилиб кўрганмисиз? — деди Восит норози оҳангда.

— Худди ўзинг пиёз етиштириб белинг орғигандек гапирасан-а, онасингилларинг, хотининг ўтоқ қилиб берганда, сен сотаяпсан, холос, —

жувонни энсаси қотгани сўзларидан билиниб турарди.

— Хола, олгингиз келса айтган нарҳим, бўлмаса бошқа жойдан олинг. Кейин мен ҳам шуларни уйлашим учун, тўйга деб сотаяпман.

— Илоҳим, бахтли бўл, ўғлим, менга ўхшаган қайноналар насиб қилсин. Беш қиз чиқарганман, кейинги ҳафталарга кенжа қизимнинг тўйи. Сени аввалроқ кўрганимда куёв қилардим, — аёл йигитни аврай кетди.

— Сизга ўхшаб кўп гапирадиган қайнонадан Худонинг ўзи асрасин.

Бўлди, хола, сизга пиёз сотмайман, қани, бу ерни бўшатинг-чи, — гапни кесди йигит.

— Восит ўғлим, — Воҳид отанинг овози эшитилди. — Мен бир бозорни айланиб келсам, сен унганча сотиб тур, — отанинг гапи оғзида қолди. Ўғлининг қаршида турган қудасини кўриб хайрон бўлди.

— Ия, куда, нима қилиб юрибсиз? Ҳалима хола ҳам бўлажак қудасини кўриб шошиб қолди. Бир кудага, бир ёнида турган йигитга қаради.

— Куда, мана шу йигит куёвингиз бўлади, тўйдан олдин танишиб олиб-сизлар-да, — дея ҳазиллашган бўлди Воҳид ота.

Отасининг гапларини эшитган Восит дув қизарди. Бўлган воқеалардан ҳангу манг бўлиб қолган аёл эса ўзини кўярга жой тополмай қолди. Хижолатдан тили айланмади. Келиб-келиб бўлажак куёвимга рўбарў бўламанми, дея ўзини койиганча улардан узоқлашди.

Ўғлидан ҳамма гапни эшитган ота "танимасни сийламас" деб шунга айтидилар-да, дея қулгудан ўзини тиёлмади. Кечга томон қудалар Ҳалима аянинг уйига икки қоп пиёз ташлаб кетишди...

Дилфуза МИРОБИДОВА.

“БОЗОР АДАБИЁТИ” КЕРАКМИ?!

Газетанинг 19-сонида эълон қилинган “Китоб тирикчилик манбаи эмас” сарлавҳали мақола ва унда келтирилган фикрларни эътибор билан ўқиб чиқдим. Қизиқ ҳолат: маънавий ҳаётимизда китобнинг ўрни охиб бормоқда, китобга, инсониятнинг бу буюк ихтисоси орқали ижтимоий тарбияга қайтаётганимиз, бунинг ижобий ҳосилаларини кўриб турганимиз, яхши китоблар ахтариб-топиб ўқилаётгани, бойлик, мулк мақомига кўтарилаётгани аниқ, буни ҳеч ким инкор этмайди.



ни сўраб кўяди. Дехон шунга хурсанд. Аксарият китобхон муаллифнинг номини билади, холос. Битта китоб ўқувчи қўлига бориб етгунча ёзувчидан кам заҳмат чекмайдиган ноширни, босмаҳона ходимини мутлақо танмайди, улар меҳнатини қадрламайди. “Ёзувчига мазза, кунига ўн саҳифадан ёзса, бир ойда уч юз бетлик китоб тайёр-да”, деб ўйлайди. Илҳом қочиб, кунда эмас, ҳафтада, ойда бир жумла ҳам қоғозга тушмаслигини, тушганлари қайта-қайта ўчирилишини билмайди. Китоб ёзиш машаққатидан хабари йўқ одамга китоб совға қилсангиз, дарҳол қалам ҳақиқа қизиқади, қанчадан-қанча вақт, соғлик, асаб кетганини сўрамайди. Бунинг боиси, кейинги пайтларда куну тун “ижод” қиладиган, чарқоқ билмас “тадбиркор” муаллифлар пайдо бўлди, улар учун навбатдаги роман ёки қиссани ёзишу, чоп эттириш тижорат йўналишидаги газетада мақола бостиришдан ҳам

осон бўлиб қолди. Шундай муаллифлардан бири: “Бу йил бешта қисса, учта роман ёзишни режалаштирганман...”, дебди. Яшавор шоввоз. Бундай “режа”ни ўқиган мундайроқ китобхонда: “Нима, мен ёза олмайманми, саводим бўлса бор, ёзувчилик деганлари жарақ-жарақ пул экан-ку”, деган ҳаёл пайдо бўлади ва қўлига қалам олади. Қарабсизки, бозор адабиёти яна битта муаллифга, бемаза, кўнгилни айнитадиган китобга кўпайиб турибди-да.

Ўқувчи эътиборини ноширлик заҳматларига бураётганимнинг сабаби бор, албатта. Турли даражадаги қўлёмаларни бир неча ой муддатда муаллиф билан ёнма-ён ўтириб ишлаб, пишитиб, жумла, диалогларини қиёмига етказиб, имлосини тўғрилаб китоб ҳолига келтирадиган ким — наشريёт муҳаррири. Аммо бу заҳматкаш ижодкор (Ҳа, наشريёт муҳаррири чин маънода ижодкор!) саҳна ортидаги санъаткорга ўхшаб, кўзга деярли ташланмайди. Умрининг ўттиз-қирқ йилини китобларга муҳаррирлик билан ўтказган, не-не асарларни қойилмақом қилиб таҳрир қилган, мазмунига мазмун, кўрқига кўрк, салмоғига салмоқ қўшган китоб муҳаррирларидан кимларни биламиз, аниқроғи, бугун улардан қай бирини эслаймиз?

Шу ерда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтайлик. Имконият кўпайгани сари, масъулият камайиб бораётганга ўхшайди. Авваллари муаллифлар танқидий мулоҳазаларни самимий қабул қилишар, қўлёмани билдирилган так-

лифлар асосида жиддий қайта ишлашар, бундан эринишмасди. Энди-чи? Минг фикр билдиринг, камчиликларини кўрсатинг, фойдасиз.

Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабат, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бугун дунёнинг мана-ман деган давлатлари молиявий инқирозга юз тутиб, иқтисодий муаммолар гирдобиди қолаётган, янги-янги муаммолар пайдо бўлаётган ва бу муаммолар маънавият илдилларини кемираётган бир пайтда Ўзбекистонда, муҳташам пойтахтимизнинг қоқ марказида муҳташам зиё маскани — замонавий кутубхона қурилгани, адабиёт оламига кириб келаётган ёш ижодкорлар иқтисодий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ахир, қадим-қадимдан илм-маърифатга, зиёга интилган, кўп муаммоларни маънавий-интеллектуал гидрокимиз билан ҳал қилган халқимиз. Дунё тамаддуни ривожига беадоқ ҳисса қўшган улуг аждодларимиз эришган оламшумул ютуқларнинг бирламчи сабаби китоб мутолааси эканини яхши биламиз. Шундай экан, хонадонларимизни, фарзандларимиз онг-шуурини китоблар ва улар саҳифаларидаги бебаҳо ҳикमतлар билан ҳам безайлик. Мутолаадан чарчамайлик.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ.

ХИВА ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

юртимиздаги барча болажонларни

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан самимий муборакбод этади!

Озод ва обод Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва ҳамжихатлик, фаровонликдан баҳраманд бўлиб вояга етаётган истиқлол фарзандлари ўзларининг энг бахтли, саодатли ёшлик фаслини ўтказишяпти. Ўғил-қизларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсиб-улғайиши, билим олиши ҳамда ўз иқтидорларини тўла-тўқис намоён этишлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг келажақда эл-юртимиз корига камарбаста бўлмоққа қодир муносиб ворислар сифатида таълим-тарбия топаётганига ишончимиз комил.

Ниятимиз, дунё осмонини бахтли, саодатли болажонларнинг қувноқ кулгуси, шўх-шодон ҳайқириқлари тўлдираверсин!



Реклама

КОСИБ АЁЛГА АТАЛГАН ГУЛ

Дадам қийналиб қолган бир кишига: "Бекор юрганингдан кўра, косибчиликни ўргансанг ҳам, кунинг бемалол ўтади, қозонинг қайнаб туради", деганларида, у одам бу фикрга қўшилмай, хафа бўлди. Тирикчиликнинг айби йўқ, у киши косиблик ҳам иш бўлди, дегандай, юзини буриштирди.

...Яқинда Юнусобод деҳқон бозорига кетаётиб, катта чорраҳага яқин жойда пойабзал тикаётган ўрта ёшлардаги аёл кишини кўриб, шу воқеа эсимга тушиб кетди. Аёлнинг косиблик қилаётганини кўрмаганим сабабли, мен ҳам, негадир бу жис-



ми ожизага тикилиб қараб қолдим. Унинг қўллари худди кашта тикаётгандай нозик ҳаракат қиларди.

ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида маълумот берсангиз.

Ж. Йўлдошева.

— Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 11-моддасида белгиланган қўйилганидек, "Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга ҳилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади".

Саволга Тошкент вилояти Қибрай тумани 3-сонли ДНИ нотариуси Дониёрхўжа АСҚАРОВ жавоб берди.

"МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! "ЎЗБЕК ЦИРКИ" республика бирлашмаси жамоаси

1 июнь — Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимиз келажаги бўлган жажжи ва шўх-шодон болажонларимизни муборакбод этади!

Ўзига хос шукҳли ушбу байрамни интиқ кутаётган ўғил-қизларга 30-31 май кунлари соат 15-00 ҳамда 1 июнь куни соат 12.00 ва 15.00 да қизиқарли ва ажойиб томошалар тақдим этилади.



Реклама

Махсус дастур асосида тайёрлаган томошалар Ўзбек Давлат циркининг моҳир акробатлари, кўзбойлогичлар, хайвон ўргатувчилари, масҳарабозу қизикчилари ҳамда дорбозлари иштирокида намоиш қилинади.

Қадрли ота-оналар!

Мазза қилиб хордиқ чиқаришни, фарзандларингиз қувончига шерик бўлишни истасангиз, марҳамат, бетакрор байрам томошасини ташриф буюринг!

Мурожаат учун телефонлар:
244-35-94, 244-35-91, 244-32-23.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жағмармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБЕКОВА

Қ а д р

Йўлимда вавом этдим: чорраҳанинг кунботарига ўтдим ва кутилмаганда... ёш, девкелбат, бамисоли тоғни уч-тўрт уриб, майдалашга қодир бир йигитга дуч келдим. Йўқ, у менинг йўлимни тўсмади, шилқимлик ҳам қилмади, аммо бундан баттар иш қилди, садақа сўраб, ўзича бир нималар дея бошлади...

Ўқишга шошиб турганим, вақтим бўлганида эди, орқамга қайтиб, гул дўконига кириб, бир даста атиргул олардим-да, ҳалол меҳнати билан фарзандларини боқайтган ўша аёлни табриклаган бўлардим...

Гулрухсор ХУДАЙБЕРДИЕВА,
ЎЗМУ талабаси

ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛОЛМАЙДИ

Жиянимнинг биринчи никоҳидан қизи бўлиб, у билан деярли кўришмайди. Аммо иккинчи турмушидан туғилган ўғлига ўзи яшаб турган уй-жойини мерос қилишни истамаяпти. Агар васиятномада фақат қизини кўрсатса, ўғли унинг мол-мулкига кейинчалик даъвогарлик қилмасмикан?

К. Шодиев.

— Мерос қолдирувчи кимнинг номига васият ёзиб қолдирган бўлса, ўша шахс тўғридан-тўғри меросхўр саналади. Бунда мерос қолдирувчининг бошқа оила аъзолари, шу жумладан, бошқа никоҳидан туғилган фарзандлари ҳам меросга даъво қилишга ҳақли эмаслар.

Саволга Бўка тумани 2-сонли ДНИ нотариуси Шаҳноза ЁҚУБОВА жавоб берди.



ЭНГ КИЧКИНА ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

"Мовий Озодлик" (Blue Freedom) деб номланувчи ушбу митти гидроэлектростанция сув оқими ёрдамида ўзидан электр энергиясини ишлаб чиқариб, уяли телефон, планшет, смартфон ёки бошқа исталган гаджетни қувватлантира олади.



Бунинг учун учига махсус паррак ўрнатилган қувурсимон мосламани сув оқимида ботириб ва бу вақтда унинг кирғоқдаги аккумуляторли база қурилмасининг USB портига қувватлантириш зарур бўлган нарсангизни улаб қўясиз... шу холос. Шунингдек, ушбу қурилмадан телефонингиз батареясини тўғридан-тўғри ўрнатиб қўйиш мумкин бўлган махсус қутича ҳам жой олган.

Сониясига 1,2 метр тезликдаги сув оқими 3-4 соат ичида уяли телефонингизни етарлича қувватлантира олади. Қурилманинг ўзидаги аккумулятор электр қуввати захирасини йиғиб боради. Тоғлар бағрига сайр чоғида тунаб қолишга тўғри келганда ҳам чодирларни ёритиш борасида муаммо бўлмайди. Негаки, "Мовий Озодлик" қурилмасига светодиод блокти ўрнатилган бўлиб, у қоронғулик пайтида кам энергия сарф қилувчи чироқлар вазифасини ўтайди.

Жамоавий молиялаштириш тизимида иш юритувчи Kickstarter.com сайти томонидан тақдим этилган ушбу гаройиб лойиҳа дунёдаги энг кичик гидроэлектростанция дея эътироф этилмоқда. Сайтга кирувчилар орасида ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаб, унинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун маблағ ажратмоқчи бўлган кўнгиллилар сони ортиб бормоқда. Улардан келиб тушиши тахмин қилинган 100 минг доллар маблағ деярли йиғиб бўлинди. Лойиҳа иштирокчилари бу қурилма оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошлангач, унга 220 доллар нарҳда буюртма бериш мумкинлигини айтишмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 536. Формати А-3, ҳажми 2 табок, Адади — 7059. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5